



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



Шахноза Махмудовна Латипова Лизинг хизматларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишда қўлланилиши	74
Умид Холбоевич Холбоев Хизмат кўрсатиш соҳасида хизматлар самарадорлиги ва сифатини оширишга рақобатнинг таъсирини баҳолаш	79
Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Агросервисни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси	83
Нигина Маруповна Усманова Китоб савдосини самарали ташкил қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича айрим тавсиялар	87
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда инновацион жараёнларнинг аҳамияти	92
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Алишер Абдуганиевич Эшгаев Халқаро туризм бозорининг ривожланиш тенденциялари ва унда Ўзбекистоннинг иштироки	97
Shovqiddin Erkin o'g'li Abdurasulov Turizm rivojlanishi sharoitida “ekologik turizm” tushunchasining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati va xususiyatlari	102
Ollonazar Norbek o'g'li Allonazarov Mintaqada mehmonxona xizmatlari faoliyati ko'rsatkichlari tahlili	105
Адхам Итолмасович Рахматов Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасига таъсир қилувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	109
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Кичик тадбиркорлик ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги	115
Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова Мамлакатимиз худудларида оила хўжаликларининг таркибий тузилиши ва ўзгариши билан боғлиқ масалалари	119
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Sanjarbek Komiljon o'g'li Boyjigitov Marketing xizmati samaradorligini baholashning nazariy asoslari va amaliy ifodasi	125
Zulfiya Musayevna Usmanova Kadrlarni boshqarish mexanizmini takomillashtirish muammolari	129
Кахрамон Сайдуллаевич Махмудов Хизматлар сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг ўзига хос жиҳатлари	132
Shokhista Bahridin kizi Turdieva Specific features of the conceptual framework of social marketing	138
Diyor Haqberdiyevich Xolmamatov Ulgurji savdoda sotuvdan keyingi servisni rivojlantirishning marketing strategiyasi	142
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Азиза Махомадризовна Каримова Оценка современного состояния рынка и условия кредитования субъектов туристических услуг Республики Узбекистан	148

Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова – СамИСИ таянч докторанти

МАМЛАКАТИМИЗ ХУДУДЛАРИДА ОИЛА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ЎЗГАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада мамлакатимиз ҳудудларида оила хўжаликларининг таркибий тузилиши ва иқтисодий аҳволи билан боғлиқ масалаларининг қисқача мазмуни қараб чиқилган. Унда оиланинг мамлакатимиз миқёсидаги мавжуд оилалар сони ва уларнинг ҳудудлар бўйича тақсимоли, ҳар бир ҳудуд бўйича мавжуд оилаларда ўртача яшовчилар сонининг қиёсий таҳлили ёритилган. Охириги пайтларда аҳолининг доимий яшаш учун хорижий давлатларга мамлакатимиздан кўчиб кетиши ва юртимизга кўчиб келиш ҳоллари ҳам рўй бермоқда. Ушбу масаланинг ҳам қисқача мазмуни ёритилган.

Калит сўзлар: оилалар сони, ҳудудларнинг оилалар бўйича улуши, оила жамғармаси, оилада одамларнинг ёши бўйича таркиби, аҳолининг кўчиб кетиши, аҳолининг кўчиб келиши.

Кириш. Мамлакатимизда оилаларга, уларнинг фаровонлигини таъминлашга, ҳар бир аъзоси тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бериш йўлида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва мамлакатимиз халқига 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномасида: “Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, **оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиш беришга ҳаракат қиляпмиз** ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз”, деб таъкидлади.

Таҳлил ва натижалар. Охириги пайтларда оилаларда ҳам аҳвол ўзгармоқда. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, оилаларнинг тўртдан биридан кўпида фарзанд бўлмаган ва боласиз оилаларни ташкил қилади. Афсуски ушбу ҳолат мамлакатимизда узок вақт давомида кузатилган. Бунга далил сифатида 2020 йил январ-сентябр ҳолатига кўра 16 ёшгача бўлган болали оилаларнинг улуши 74,2% ни ташкил этди ва 25,8% оилалар фарзандсиз эканлиги аниқланган. Агар болали оилалар таркибига назар солинадиган бўлса, барча оилаларнинг 23 %да битта боласи бор, 27,1 % оилаларда иккита боласи бор, 16,9 % оилаларда учта боласи бор. Тўртта ёки ундан кўп болали оилаларнинг улуши атиги 7,2 %ни ташкил қилади¹.

Таъкидланганидек, ушбу фарзандсиз оилалар билан боғлиқ кўрсаткич ўсиб бормоқда. Таққослаш учун 2000 йилда оилаларнинг 81,4% да 16 ёшгача бўлган болалар, 18,6% да болалари бўлмаган оилалар эди. Ушбу кўрсаткичнинг улуши шу ўтган 10 йил мобайнида 7,23 %ни (25,8 – 18,6) ташкил қилади².

Мамлакатимизда ҳудудлар (вилоятлар) бўйича оилалар тақсимоли турлича. Айрим вилоятларда (Самарқанд, Фарғона) аҳолининг сони бир миллиондан ортиқ бўладиган бўлса, айримларида 4-5 баробарга кам. Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида 9 729 961 та оилалар мавжудлиги қайд этилган эди. Хуллас, қайси ҳудудда оилалар сони ва уларнинг улуши бўйича қуйидаги жадвал тавсия қилинади (1-жадвал).

1-жадвал Ўзбекистон Республикасида мавжуд оилалар сони ва уларнинг улушининг 2023 йил 1 январдаги ҳолати³

Т/р	Ҳудудлар номи	Оилалар сони, бирликда	Улуши, %
1.	Қорақалпоғистон Р.	473 142	4,89
2.	Андижон вилояти	893 378	9,18
3.	Бухоро вилояти	570 033	5,85
4.	Жиззах вилояти	343 977	3,53

¹ <https://uz.tafsilar.info/novosti-uzbekistana/zbekistonda-farzandsiz-oilalar-soni-tobora-k-pajib-bormo-da/>. Ушбу манба асосида ҳисоб-китоб қилинди.

² <https://uz.tafsilar.info/novosti-uzbekistana/zbekistonda-farzandsiz-oilalar-soni-tobora-k-pajib-bormo-da/>. Бу ҳам шу манба асосида ҳисоб-китоб қилинди.

³ https://t.me/statistika_rasmiy/3569

5.	Қашқадарё вилояти	847 530	8,72
6.	Навоий вилояти	297 933	3,07
7.	Наманган вилояти	790 641	8,13
8.	Самарқанд вилояти	1 012 500	10,41
9.	Сурхондарё вилояти	695 853	7,15
10.	Сирдарё вилояти	237 352	2,44
11.	Тошкент вилояти	904 414	9,29
12.	Фарғона вилояти	1 124 208	11,55
13.	Хоразм вилояти	557 669	5,73
14.	Тошкент ш.	981 331	10,07
	Республика бўйича	9 729 961	100,0

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 38,6 % уй хўжаликларига 6 ва undan кўп кишилар истиқомат қилмоқда. Бу барча оилаларнинг 375576 мингтасига тенг. Давлат статистика кўмитаси уй хўжаликлари танлама кузатувлари маълумотларига асосан 2022 йилнинг январь-ноябрь ҳолатига уй хўжаликлари аъзоларининг сони бўйича:

- бир кишилик – 2,7 %ни ёки 26271 тани ташкил қилади.
- икки кишилик – 6,7 %ни ёки 65191 тани ташкил қилади.
- уч кишилик – 11 %ни ёки 127030 тани ташкил қилади.
- тўрт кишилик – 18,4 %ни ёки 179031 тани ташкил қилади.
- беш кишилик – 22,6 %ни ёки 219897 тани ташкил қилади.

— олти ва undan кўп кишилик – 38,6 %ни ёки 375576 тани ташкил қилади¹. Ушбу ўзгариш 2020 йилга нисбатан бироз ижобий томонга ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Буни вилоятлар кесимида қарайдиган бўлсак, масалага янада ойдинлик киритиш мумкин. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида мавжуд оилаларда ўртача одамлар сонининг 2023 йил 1 январдаги ҳолати²

Т/р	Худудлар номи	Худудларда аҳоли сони, минг киши	Оилалар сони, бирликда	Оилада яшовчиларнинг ўртача сони, киши
1.	Қорақалпоғистон Р.	1 981,8	473 142	4,19
2.	Андижон вилояти	3 338,2	893 378	3,74
3.	Бухоро вилояти	2 016,6	570 033	3,54
4.	Жиззах вилояти	1 483,1	343 977	4,31
5.	Қашқадарё вилояти	3 499,1	847 530	4,13
6.	Навоий вилояти	1 060,6	297 933	3,56
7.	Наманган вилояти	3012,5	790 641	3,81
8.	Самарқанд вилояти	4 137,9	1 012 500	4,09
9.	Сурхондарё вилояти	2 821,9	695 853	4,06
10.	Сирдарё вилояти	900,9	237 352	3,80
11.	Тошкент вилояти	3007,0	904 414	3,32
12.	Фарғона вилояти	3 994,8	1 124 208	3,55
13.	Хоразм вилояти	1 965,2	557 669	3,40
14.	Тошкент ш.	2 978,2	981 331	3,03
	Республика бўйича	36 197 781	9 729 961	3,72

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикасида мавжуд оилаларда ўртача одамлар сонининг 2023 йил 1 январдаги ҳолати бўйича худудларда турлича. Мамлакатимизда оилаларда ўртача одамлар сони 3,72 кишини ташкил қилса Жиззах вилоятида 4,31 кишини, Қорақалпоғистон Республикасида 4,19 кишини, Қашқадарё вилоятида 4,13 кишини, Самарқанд вилоятида 4,09 киши ни, Сурхондарё

¹ https://t.me/statistika_rasmiy/3089

² https://t.me/statistika_lotin/243

вилоятда 4,06 кишини ташкил қилади. Қайси вилоятларда қишлоқ аҳолиси кўп бўлса, ўша вилоятларда битта оилага тўғри келадиган аҳоли сони ҳам катта. Ушбу тенденция келажақда ҳам давом этади.

Тадқиқотлар кўрсатдики, Ўзбекистонда 1991 йилдан 2020 йилгача қанча туғилиш қайд этилганлиги бўйича ҳам бир қанча ўзгаришлар содир этилган. Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасида жорий йилнинг 9 ойи давомида жами 670,7 мингта туғилиш қайд этилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,1 фоизга ёки 56 минг нафарга кўпайган. Ушбу кўрсаткич бўйича мамлакатимизда мустақиллик йилларида туғилишлар сони қуйидагича бўлган:

1991 йилда – 723,4 минг нафар.

1995 йилда – 678 минг нафар.

2000 йилда – 527,6 минг нафар.

2005 йилда – 533,5 минг нафар.

2010 йилда – 634,8 минг нафар.

2015 йилда – 734,1 минг нафар.

2020 йилда – 841,8 минг нафар.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, охириги 20 йил давомида, яъни 1991-2020 йилларда ушбу кўрсаткич 113,8 %га ($841,8 \cdot 100 / 723,4$) ошган. Сўнги 10 йилда, яъни 2010-2020 йилларда 132,6 %га ($841,8 \cdot 100 / 634,8$) ошган. Бу кўрсаткич 1991 йилдан 2005 йилгача туғилиш мамлакатимизда камайган. 2010 йилдан бошлаб кўпайиб бошлаган. Буни дунёдаги аҳвол билан солиштириладиган бўлса, ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.

Охириги пайтларда оилаларда ҳам аҳвол ўзгармоқда. Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, оилаларнинг тўртдан биридан кўпида фарзанд бўлмаган ва боласиз оилаларни ташкил қилади. Афсуски ушбу ҳолат мамлакатимизда узоқ вақт давомида қузатилган. Бунга далил сифатида 2020 йил январ-сентябр ҳолатига кўра 16 ёшгача бўлган болали оилаларнинг улуши 74,2% ни ташкил этди ва 25,8% оилалар фарзандсиз эканлиги аниқланган. Агар болали оилалар таркибига назар солинадиган бўлса, барча оилаларнинг 23 %ида битта боласи бор, 27,1 % оилаларда иккита боласи бор, 16,9 % оилаларда учта боласи бор. Тўртта ёки ундан кўп болалари бор оилаларнинг улуши атиги 7,2 %ни ташкил қилади¹.

Таъкидланганидек, ушбу фарзандсиз оилалар билан боғлиқ кўрсаткич ўсиб бормоқда. Такқослаш учун 2000 йилда оилаларнинг 81,4%ида 16 ёшгача бўлган болалар, 18,6%ида болалари бўлмаган оилалар эди. Ушбу кўрсаткичнинг улуши шу ўтган 10 йил мобайнида 7,23 %ни (25,8 – 18,6) ташкил қилади².

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, Ўзбекистонда расмийлаштирилмаган шаръий никоҳ билан яшаб келаётган оилалар сони ҳам мавжуд экан. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ташаббуси билан фуқаролар мушқулини осон қилиш мақсадида бир қатор умуммиллий бепул ижтимоий акция ўтказилмоқда³. Бу реал ҳолатни аниқлашда катта роль ўйнайди. Чунки, давлат хизматлари марказлари, маҳаллий ҳокимият, хотин-қизлар, ФХДЁ, халқ ва мактабгача таълим бўлимлари, тиббиёт бирлашмалари вакиллари, ўқитувчи ва маҳалла фаолларидан иборат тузилган ишчи гуруҳ учун қулай шароитни яратишда қўл келмоқда. Ушбу гуруҳнинг аъзолари уйма-уй юриб, шу пайтгача турли сабабларга кўра никоҳи қайд этилмаган ва туғилганлик гувоҳномаси берилмаган болаларга амалий ёрдам бераётир.

Аниқланишича, “Давлат хизматлари агентлиги маълумотларига қараганда, шу кунга қадар республика бўйича 397 мингдан зиёд оилалар ўрганилиши натижасида 6428 нафар расман қайд этилмаган бола, шунингдек, 4419 та расмийлаштирилмаган никоҳ билан яшаб келган оила аниқланган. Ишчи гуруҳ аъзоларининг кўмаги билан 4300 дан ортиқ болаларга туғилганлик ҳақида гувоҳнома, 2330 га яқин оилалар ФХДЁ органларида қайд этилиб,

¹ <https://uz.tafsilar.info/novosti-uzbekistana/zbekistonda-farzandsiz-oilalar-soni-tobora-k-pajib-bormo-da/>. Ушбу манба асосида ҳисоб-китоб қилинди.

² <https://uz.tafsilar.info/novosti-uzbekistana/zbekistonda-farzandsiz-oilalar-soni-tobora-k-pajib-bormo-da/>. Бу ҳам шу манба асосида ҳисоб-китоб қилинди.

³ Manba: xs.uz

никоҳ шартномаси берилди”¹. Ушбу ҳолат кам бўлса-да жамиятнинг ижтимоий барқарор тараққиётига маълум даражада таъсир қилишини инobatга олиш лозим. Келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик чораларини кўриш керак бўлади.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида 29 031 та никоҳдан ажралишлар қайд этилган. Жами никоҳдан ажралиш даврида фарзандлар сони бўйича ҳам турли таркибий тузилишга эга. Жумладан, фарзандсиз ажрашганларнинг ҳиссаси 51,1 %ни ташкил қилади. Битта фарзанд билан ажрашганларнинг улуши 28,1 %га тенг. Иккита фарзанд билан ажрашганлар 15,8 %га тенг бўлган бўлса, учта фарзанд билан ажрашганларнинг улуши 4,2 %ни ташкил қилади. Шу билан бирга тўрт ва ундан ортиқ фарзанд билан ажрашганлар улуши 0,9 %ни ташкил қилади². Кам бўлса-да бу аянчли аҳвол. 4 та фарзанд ота меҳридан йироқда ўсади.

Мамлакатимиз аҳолисининг ўзгариши уларнинг бошқа мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб кетиши ва бошқа мамлакатлардан кўчиб келиши билан ҳам боғлиқ бўлмоқда. Охириги йилларда кўчиб кетаётганларнинг сони кўчиб келаётганлар сонига нисбатан анча кўп. Бунинг албатта сабаблари бор. Булардан биттаси мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлик даражаси бўлса, иккинчиси унинг тинчлиги, келажакка ишонч руҳи билан яшаш турати. Шуни қайд этиш жоизки, мамлакатимиз кўпмиллатли давлатлар қаторидан жой олган. Кўп миллатлар ўзларининг юртларига бориб яшаш учун ҳозир жуда зўр имкониятлар яратилмоқда. Бундан фойдаланган ҳолда ҳамма ўз юртларига кўчиб кетмоқдалар.

Юқоридаги масалага ойдинлик киритиш учун сўнгги 10 йилда мамлакатимиздан хорижга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар ва кўчиб келганлар сонларининг қиёсий таҳлилини амалга оширишга муваффиқ бўлдик. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, сўнгги 10 йилда мамлакатимиздан хорижга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар ва хориждан келганлар сони бўйича камайиш рўй берган. Ушбу жараёнларнинг таҳлили қуйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал

Мамлакатимиздан доимий яшаш учун хорижга кўчиб кетганлар ва хориждан кўчиб келганларнинг 2010-2020 йиллардаги ўзгаришлар сони³

Йиллар	Хорижга кўчиб кетганлар сони, киши	Ўсиш суръати, %	Хориждан кўчиб келганлар сони, киши	Ўсиш суръати, %	Хориждан кўчиб келганларнинг кўчиб кетганлардаги улуши, %
2010	44 420	100,0	4 665	100,0	10,5
2011	50 816	114,4	3 232	69,3	6,4
2012	45 447	102,3	4 495	96,4	10,0
2013	38 589	86,9	4 023	86,2	10,4
2014	42 228	95,1	3 666	78,6	8,7
2015	31 765	71,5	2 466	52,9	7,8
2016	28 069	63,2	1 821	39,0	6,5
2017	20 772	46,8	2 173	46,6	10,5
2018	17 579	39,6	2 850	61,1	16,2
2019	13 229	29,8	2 543	54,5	19,2
2020	13 648	30,7	1 105	23,7	8,1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакат аҳолисининг хорижга кўчиб кетганлар сони 2010-2020 йиллар давомида анча камайган. Шу даврда ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 30,7 %ни ташкил қилади. Хориждан кўчиб келганлар сони 23,7 %гача камайган. Агар кўчиб келганларнинг сонини кўчиб кетганларнинг сони билан қиёсланса хориждан кўчиб келганларнинг кўчиб кетганлардаги улуши 10,5 %дан (2010

¹ <https://aniq.uz/yangiliklar/uzbekistonda-rasmiy-lashtirilmagan-nikoh-bilan-yashab-kelgan-oilalar-soni-qancha>.

² https://t.me/statistika_rasmiy.

³ https://t.me/statistika_rasmiy.

Ушбу маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси

йилда), 8,1 %гача (2020 йилда) камайган. Аҳолининг ўзгариши ва фаровонлик даражаси маълум даражада аҳолининг туғилганлик даражасини ҳам белгилайди. Ушбу кўрсаткичларда ҳам анча ўзгаришлар бор. Аҳолининг бир мамлакатдан кўчиб кетиши ва кўчиб келишининг сабабларидан бири, ушбу мамлакатда яратилган шароитга ва аҳолининг хотиржам ва фаровон яшашига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда оилавий корхоналар сонининг ҳолатига ҳам эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, республикаимизда 2023 йилнинг 1 май ҳолатига 47 813 та оилавий корхоналар фаолият юритмоқда. Ушбу кўрсаткич ҳудудлар кесимида фаолият юритаётган оилавий корхоналар сони қуйидаги жадвалда келтирилган (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида мавжуд оилавий корхоналар сонининг 2023 йил 1 май ҳолатига таркибий тузилиши¹

Т/р	Ҳудудлар номи	Ҳудудларда оилавий корхоналар сони, та	Оилавий корхоналарнинг улуши, %	Ҳудудларда оилалар сонининг улуши, %
1.	Қорақалпоғистон Р.	1 996	4,17	4,89
2.	Андижон вилояти	1 645	3,44	9,18
3.	Бухоро вилояти	2 987	6,25	5,85
4.	Жиззах вилояти	1 734	3,63	3,53
5.	Қашқадарё вилояти	4 642	9,71	8,72
6.	Навоий вилояти	3 690	7,72	3,07
7.	Наманган вилояти	1 082	2,26	8,13
8.	Самарқанд вилояти	8 477	17,71	10,41
9.	Сурхондарё вилояти	4 302	9,00	7,15
10.	Сирдарё вилояти	246	0,51	2,44
11.	Тошкент вилояти	3 990	8,35	9,29
12.	Фарғона вилояти	5 261	11,00	11,55
13.	Хоразм вилояти	4 878	10,20	5,73
14.	Тошкент ш.	2 883	6,03	10,07
	Республика бўйича	47 813	100,0	100,0

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, энг кўп оилавий корхоналарнинг 17,71 %и Самарқанд вилоятига тўғри келмоқда. Бу ҳудудда барча оилаларнинг 10,41 %и жойлашган. Кўриниб турибдики, аҳолининг оилавий тадбиркорлиги бўйича ушбу вилоят етакчи ўринни эгаллаб келмоқда экан. Бу борада Хоразм вилояти ҳам етакчилик қилмоқда. Мамлакат аҳолисининг 5,73 %ини ташкил қилган ушбу ҳудудда мамлакат оилавий корхоналарининг 10,20 %ни ташкил қилмоқда. Ушбу ҳудуд аҳолиси ҳам оилавий корхоналарни ташкил қилиш бўйича етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Яна бир ҳудуд Навоий вилояти бўлиб, унда ҳам оилаларнинг улушига нисбатан оилавий корхоналарнинг улуши кўпроқ. Мазкур вилоят аҳолиси умумий аҳолининг 3,07 %ини ташкил қилган бир паллада, оилавий корхоналар улуши 7,72 %ни ташкил қилмоқда. Бу борада Бухора вилоятида ҳам кўрсаткич ижобий бўлиб, аҳолининг улуши 5,85 %ни ташкил қилиб турган бир паллада оилавий корхоналарнинг улуши 6,25 %ни ташкил қилади. Мамлакатимиздаги Қорақалпоғистон Республикаси (4,89 га 4,17), Жиззах вилояти (3,53 га 3,63), Фарғона вилоятларида (11,55 га 11,00) оилалар сони ва оилавий корхоналар сони деярли бир хил. Аммо айрим вилоятларда оилалар сонига нисбатан оилавий корхоналар сони анча паст. Буларга Андижон вилояти (3,44 % оилавий корхоналар ва 9,18 % оилалар улуши), Наманган вилояти (2,26 %га 8,13 %), Сирдарё вилояти (0,51 %га, 2,44 %), Тошкент вилояти (8,35 %га 9,29 %га) ва Тошкент шаҳри (6,03 %га 10,07 %) кабилар қиради. Ушбу таҳлил натижаларидан келиб чиқадиган бўлсақ, мамлакатимизнинг тўртта вилояти ва Тошкент шаҳрида оилавий корхоналар сонини кўпайтиришга тўғри келмоқда.

¹ https://t.me/statistika_lotin/243 Ушбу маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ҳуддларида оила хўжаликларида аҳолининг ўртача сони ҳам турлича. Уларнинг таркибий тузилиши ва иқтисодий аҳволи билан боғлиқ масалалар шуни кўрсатмоқдаки, оиланинг мамлакатимиз микёсидаги мавжуд сони ва уларнинг ҳудудлар бўйича тақсимооти турлича. Бу бевосита оилаларнинг фаровонлик даражасига ҳам таъсир қилади. Булардан келиб чиқиб, қуйидаги тавсияларни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Биринчидан, ҳар бир ҳудуд бўйича мавжуд оилаларда ўртача яшовчилар сонига қараб фаровонлик даражасини ҳам назорат қилиб боришни тақозо қилади. Оиланинг боқувчиси битта ўқитувчи бўлиши мумкин. Уларнинг даромади бир хил. Аммо биттаси ўша иш ҳақи билан болаларнинг сонига қараб, 3 кишини, иккинчиси 5 кишини ва учинчиси ундан ҳам кўп кишиларни боқиши мумкин. Биринчисидан, ўртача даромад нуқтаи назаридан, камбағаллик чегарасидан юқорида бўлса, учинчисидан камбағаллик чегарасидан чиқмаган бўлиши мумкин. Шу туфайли оилалардаги ўртача аҳолининг сонига ҳам эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Иккинчидан, ҳар бир оилада имкон қадар ойлик маош билан бирга қўшимча даромад қилиш йўллари ҳам ўргатиш мақсадга мувофиқ. Жуда кўп оилаларда томорқадан фойдаланиш орқали бунга эришиш мумкин. Бу ҳам оилага яхшигина қўшимча даромад келтириши табиий.

Учинчидан, аҳолининг кўпайиб боришини таъминлаш мақсадида туғиш даражасини 3 та ва ундан ортиқ қилиб олиб бориш тенденциясини ҳам ушлаб туриш мақсадга мувофиқ. Агар оилаларда 2 нафардан кам фарзанд кўриш тенденцияси шаклланиб, давом этадиган бўлса, аҳолининг камайиши рўй беради ва шу орқали миллатимизнинг ўсиши нуқтаи назаридан таназзулга учраб қолиш ҳам мумкин.

Тўртинчидан, мамлакатимизга кўчиб келганлар ва кўчиб кетганларнинг сабабларини ўрганиб, уларнинг бундай ҳаракат бўйича аниқ хулоса қилиш ҳам мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу жараёнлар ўз ўзидан содир этилмайди. Албатта қандайдир сабаблари бор. Шу тарика буларга ҳам аниқлик киритилган бўлади.

Бешинчидан, мамлакатимизнинг Андижон вилояти, Наманган вилояти, Сирдарё вилояти, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳарларида оилавий корхоналар сонини кўпайтиришга алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқ. Таҳлил натижаларидан келиб чиқадиган бўлсак, мамлакатимизнинг қайд этилган тўртта вилояти ва Тошкент шаҳрида оилавий корхоналарни аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкил қилинса, уларнинг фаолияти тез ривожланиш босқичига кирган бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, биз томонимиздан ишлаб чиқилган илмий тавсиялар амалиётда ўз ечимини топадиган бўлса, мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлиги ошиб, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган иқтисодий тараққиёт стратегиясининг ҳаётга тезроқ татбиқ этилишига эришган бўлар эди.

<p>М.Мамаюнова</p> <p>Вопросы, связанные со структурой и изменениями семейных хозяйств в регионах нашей страны</p> <p>Аннотация: в статье рассмотрены вопросы, связанные со структурой и экономическим положением семейных хозяйств в регионах нашей страны. В ней изучены охват существующих семей нашей страны и их распределение по регионам, сравнительный анализ среднего количества людей, проживающих в существующих семьях в каждом регионе. В последнее время имеют место случаи выезда людей из нашей страны в зарубежные страны и иммиграции в нашу страну на постоянное место жительства. Также приводится краткое изложение этого вопроса.</p> <p>Ключевые слова: количество семей, доля регионов по семьям, семейный фонд, состав семьи по возрасту, эмиграция населения, иммиграция населения.</p>	<p>M.Mamayunusova</p> <p>Issues related to the structure and changes of family households in the regions of our country</p> <p>Abstract: the article deals with issues related to the structure and economic situation of family households in the regions of our country. It studied the coverage of existing families in our country and their distribution by region, a comparative analysis of the average number of people living in existing families in each region. Recently, there have been cases of people leaving our country for foreign countries and immigrating to our country for permanent residence. A summary of this issue is also provided.</p> <p>Keywords: number of families, share of regions by families, family fund, family composition by age, emigration of the population, immigration of the population.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023